# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 25 июнь, № 122 (5796) Сешанба


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Конимех туманидаги “Қизилқум полипропилен” масъулияти чекланган жамиятида полипропилен қоплар ҳамда целлофан пакетлар буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ушбу лойиҳа рўёби учун 640 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.*

### Модернизациялаш давом этади

— Технологияларимиз Хитойдан келтирилган, — дейди корхона раҳбари Атоқул Бобоқулов. — Уларни бошқариш учун 40 нафардан ортиқ мутахассисни ишга жалб қилганмиз. Келгусида модернизациялаш тадбирларини изчил давом эттириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар оширишни режалаштирганмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бинокорлар учун қулайлик

*Қашқадарё вилоятида қурилиш саноати корхоналари томонидан жорий йилда 110 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва соҳада ўтган йилдагига нисбатан 111 фоизлик ўсишга эришиш кўзда тутилмоқда.*

Муборак туманида иш бошлаган “Лочин оқшоми” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бунга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган. Хусусан, яқинда бу ерда 105 миллион сўмлик маблағ ҳисобига йилига 2 минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Ишлаб чиқариш цехлари замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган 20 га яқин турдаги маҳсулотлар қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибда уй-жой қураётган буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Шишадан турфа жиҳозлар

*Урганч шаҳрида тадбиркор Улуғбек Бобожонов саъй-ҳаракати билан шишани қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Glass pro” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.*

Корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун Хитойдан 500 минг долларлик кредит эвазига замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Бу ускуналар иш унуми юқорилиги ҳамда тежамкорлиги билан ажралиб туради. Яна бир жиҳати, корхонада шишадан аквариум, кафель, эшик, стол, сувенир каби турли жиҳозлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Жамият жамоаси буюртмалар асосида ойига ўртача 50 миллион сўмлик маҳсулотини харидорларга етказиб бермоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Харидорлар эътирофи

*Мирзачўл туманидаги “Дилбар чевар” хусусий корхонасида тайёрланган дастлабки маҳсулотлар маҳаллий бозорда харидорлар эътирофига сазовор бўлди.*

— Хориждан 20 дона замонавий тикувчилик дастгоҳи олиб келиб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Дилбар Қулматова. — Ҳозир эркаклар, аёллар ва болалар учун бир неча турдаги кийимлар ҳамда чойшаблар тайёрлаяпмиз. Банкнинг молиявий кўмаги билан тез кунда яна 30 та тикув дастгоҳи олиб келиб, Ержар ва Ипак йўли маҳаллаларида корхонамиз филиалларини ташкил қиламиз. Натижада йилига 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади ва 50 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланади.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида туманда 50 дан ортиқ шу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 300 га яқин иш ўринлари яратилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Салоҳият, шижоат, садоқат

*Тинчлик ва осойишталик бор жойда орзу-умидлар рўёбга чиқади, мақсадлар улуғвор, эртанги кунга ишонч собит бўлади. Албатта, бундай ҳаётни таъминлаш, асраб-авайлаш фақат хоҳиш-ирода ёки орзу-умид билангина рўёбга чиқадиган иш эмас. Бу йўлда пухта ўйланган сиёсат, мустаҳкам ҳуқуқий асос, қатъият ва изчиллик талаб этилади.*

ФАХР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни барпо этиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассамдир. Яъни ўтган вақт мобайнида ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучларимиз барпо этилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг чинакам янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганни, чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани армиямиз профессионаллигини, унинг мазмун-моҳиятини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

(Давоми 2-бетда).




БИЗ ВА ЖАҲОН

*Куала-Лумпурда Индонезия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Ҳиндистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг икки юздан ортиқ компаниялари иштирокида иш бошлаган Малайзия кичик ва ўрта бизнес инновациялари кўргазмаси (SMIDEX — 2013) доирасида инновация маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқариш учун ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатишга йўналтирилган форум бўлиб ўтди. “SME Corp” кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш корпорацияси мазкур форумнинг ташкилотчиси ҳисобланади.*

## Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари Куала-Лумпурда тақдим этилди

Маълумот тариқасида шуни қайд этиш жоизки, “SME Corp” корпорацияси бугунги кунда Малайзия иқтисодий тараққиётида жуда муҳим ўрин тутади. Негаки, мамлакат иқтисодиётининг ушбу тармоғида фаолият кўрсатадиган 90 фоиздан зиёд корхоналар мазкур корпорациянинг аъзолари ҳисобланади.

Форум доирасида Ўзбекистон Республикасининг Куала-Лумпурдаги элчихонаси томонидан юртимиз савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти уюштирилди.

Унда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар, хорижий сармоялар муҳофаза этилишининг ҳуқуқий асослари, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан хорижий тадбиркорларга тақдим этилаётган имтиёзли шароитлар, шунингдек, тараққиётнинг “ўзбек модели” доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, шу орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда эришилган муваффақиятлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистонда маиший техника, электроника, тўқимачилик маҳсулотлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, қурилиш моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича сармоявий таклифлардан иборат маълумотлар юзасидан ҳам қизиқиш кузатилди.

**“SME Corp” корпорацияси раиси Дато Амин Абдул Мажид** 2012 йилнинг 12 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция иқтисодиётнинг мазкур жабҳаси тараққиёти Ўзбекистон учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишига имкон берганини айтди.

Шу билан бирга, Дато Амин Абдул Мажид Ўзбекистон ҳукуматининг микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 5 фоизгача камайтириш тўғрисидаги қарорини юқори баҳолар экан, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, жумладан, кўргазма ва кооперация биржаларида фаол қатнашиш орқали бундай ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш таклифини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

**Рақобат бозори:**

## Фаолият мезони

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан “Давлат активларини бошқариш тизимидаги ислоҳотлар: давлат активларини бошқариш маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалари” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.*

АНЖУМАН

Таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштироки улушини камайтириш, монополияга қарши тартиботларни самарали юритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлилигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Негаки, ушбу ҳужжатга биноан, нафақат иккита йирик қўмита бирлаштирилди, балки унда хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш, жумладан, иккиламчи фонд бозори ишларини янада яхшилаш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Статистика соҳасидаги ислоҳотлар

**ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо этади**

ФАРМОН ВА ИЖРО

Кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари қаторида статистика соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, унга ахборот-коммуникация технологиялари ютуқлари кенг татбиқ этилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талаблари тизимни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Фармацевтика саноати:**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

**Жорий йилнинг биринчи чорагида “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик компанияси корхоналарида**

**10 турдаги янги дори воситаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Қиймати 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлган бу маҳсулотлар ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан тўлдириш даражасини ошириш, импорт ҳажмини камайтирган ҳолда, экспортни кўпайтириш имконини берди.



# Салоҳият, шижоат, садоқат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йиллар мобайнида барча бўғиндаги командирларнинг қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни етук мутахассислар билан тўлдириш имконини бермоқда. Хусусан, республикамиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар замонавий андозаларга мослашиб бораётгани, моддий-техник базаси яхшиланиб, таълимнинг илғор педагогик технологиялари кенг жорий этилаётгани бўлғуси етук ва салоҳиятли кадрларни тарбиялашда катта самара бермоқда.

Мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасалари — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирларда ҳокимликлар, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ҳарбий хизматчилар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

— Ота-она учун фарзанди камолини кўришдан катта бахт йўқ, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ташкил этилган тантана иштирокчиси Замира опа Холматова. — Бугун ўғлим Хуршиднинг орзуси ушалди — офицер бўлди. Унинг шарафли касбни танлаб, Ватанимиз учун хизмат қилмоққа шайланганини кўриб, ғурурланиб кетаяпман.

— Бу ерда таълим олиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилгани ҳарбий билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлди, — дейди Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиларидан бири, лейтенант Баҳром Назаралиев. — Энди бор малака ва маҳоратимни мамлакатимиз фаровонлиги ва осойишталиги учун сафарбар этаман.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда ҳам ана шундай кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг ижросини таъминлашда эса жорий йилдан эътиборан собиқ Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Давлат мулкини бошқариш департаменти ва "Мулк-Инвест" корхонаси негизида иш бошлаган Давлат активларини бошқариш маркази муҳим аҳамият касб этади. Чунки

**Рақобат бозори:**

# Фаолият мезони

мазкур марказ зиммасига давлат ишончли вакиллари фаолияти юзасидан мониторинг юритиш, устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда самарадорликка эришиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, корхоналарда сифатни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш сингари вазифалар юклатилган.

Бундан ташқари, марказ хорижда жойлашган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат акция пакетлари борасида давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи акциядор сифатида иштирок этади. Устав фондида давлат улуши бўлган жамият ва давлат унитар корхоналарининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда кўмаклашади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

# Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари Куала-Лумпурда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, **"Perdasama" Малайзия саноатчилари ва ишлаб чиқарувчилар уюшмаси президенти Муҳаммад Иззат Амир** ҳозирги вақтда малайзиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаётганликларини таъкидлади.

— Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман, шу боис унинг юксак иқтисодий тараққиёти суръатлари бўйича атрофлича маълумотларга эгаман, — деди у. — Шубҳасиз, малайзиялик тадбиркорлар турли лойиҳалар бўйича сармоя киритиш мақсадида Ўзбекистоннинг имкониятлари ва иқтисодий салоҳиятини ўрганишлари лозим.

**"Mula Makmur Sdn Bhd" компанияси директори Датук Альберт Лим** ҳам Тошкентда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг "Uzbekistan Agrominitech Expo" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида қатнашиш орқали Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва салмоқли имкониятлар билан яқиндан танишганини маълум қилди. У мамлакатимизда кичик бизнес ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурларни юксак баҳолади.

Шунингдек, малайзиялик тадбиркор Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш мажмуасини йўлга қўйиш юзасидан ўз режасига эга эканлигини ҳам айтди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида жорий йил сентябрида Куала-Лумпурда ўтказилиши режалаштирилаётган тақдимотлар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

*Гиёҳвандлик — бугунги кунда нафақат унга чалинган одамнинг ёки у мансуб жамиятнинг, балки бутун инсониятнинг глобал муаммосига айланиб улгурган. Унинг "Аср вабоси" дея таърифланиши ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Шу боис у дунё ҳамжамиятини, шу жумладан, халқимизни ташвишга солиб, ўйлантириб келаяпти.*

# Соғлом турмуш тарзи — устувор мақсад

БМТ маълумотларига кўра, Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан Афғонистонда етиштирилган наркотик моддаларнинг тахминан 15 — 20 фоизи транзит равишда олиб ўтилмоқда. Ачинарлиси, улар республикамиз ҳудудидан ҳам транзит равишда ўтиб, ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни истиқлол даврида наркотик моддалар ғайриқонуний айланиши ҳамда унинг суиистеъмолига қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин.

Хабарингиз бор, 1993 йили пойтахтимизда БМТнинг Наркотик моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси очилган эди. Ҳозирги пайтда ушбу бошқарма самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг бир қатор конвенцияларига қўшилди. Айни пайтда мамлакатимиз халқаро алоқаларга эга бўлган наркотик моддалар билан боғлиқ уюшган жиноятчиликка қарши ҳудудий ҳамкорликни кучайтириш борасида халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, бир қатор мамлакатлар билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама англашув меморандумлари имзоланди.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборлидир. Хусусан, 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизнинг бу борадаги ҳиссаси кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаяпти. Хусусан, улар Ўзбекистонни нафақат Марказий Осиёда, балки Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида наркотик моддаларга қарши курашда ишончли ҳамкор сифатида тан олмоқда. Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 2011 йил 8 июндаги қарори билан тасдиқланган Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган комплекс чоралар дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ушбу эътирофлар бежиз эмаслигини тасдиқлайди. Хусусан, шу ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда, республика ички ишлар идоралари томонидан наркотрафиклар йўлини тўсиш, наркотик моддалар билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни аниқлаб, фош этиш, таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилиш ва "наркомания" тарқалиши олдини олиш бўйича республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда "Ёшлар ўртасида наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш", "Дори-дармон" ва кенг қамровли "Қорадори" каби махсус комплекс тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Буни Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ва унинг қуйи тузилмалари томонидан олиб борилаётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида профилактика инспекторлари томонидан гиёҳвандликка мубтало бўлган 831 нафар шахс рўйхатга олинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда уларни даволаш ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, жойларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" доирасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларда ижобий ижтимоий дунёқарашни шакллантириш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Айни чоғда ёшлар, хусусан, ўқувчилар ўртасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг салбий оқибатларини тушунтириш юзасидан тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келиняпти.

Умуман олганда, мамлакатимизда захри қотилга қарши қаратилган ишлар изчил олиб борилмоқда. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали юртдошларимизнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Сардорбек МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси катта инспектори.**

## ЯХШИ ХАБАР

*Нукус шаҳрида жорий йилнинг ўтган беш ойида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 2,1 миллион АҚШ долларилик 40 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, бунинг натижасида 260 та иш ўрни яратилди.*

# Дастурхонга ширмой нон

Хусусан, шаҳар марказидаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Экмасан" хусусий корхонасида банкнинг 80 миллион сўмлик кредити ҳисобига модернизациялаш ишлари амалга оширилгач, ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

— Корхонамизга хорижнинг илғор жиҳозлари ўрнатилиши натижасида бир кунда 1,5-2 тоннагача маҳсулот тайёрлана бошланди, — дейди тадбиркор Ислом Дўсимбетов. — Мутахассисларимиз — касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар. Ўтган қисқа муддатда шаҳардаги ўнга яқин шифохона, болалар боғчаларига 30 миллион сўмлик ширмой нонлар етказиб бердик.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИНТИЛИШ

# Аҳолига интерактив хизматлар

*Чиноз тумани телекоммуникация боғламаси қошида "Ўзтелеком"нинг махсус савдо офиси иш бошлаши билан мижозлар учун қўшимча қулайликлар юзага келди. Чунки бу ерда абонентларга кўрсатиладиган яхлит хизматлар мажмуаси "Ягона ойна" тамойилига асосланган.*

Хусусан, мажмуада мижозларга сифатли ва чегараланмаган телефон, мобиль алоқаси, юқори тезликдаги интернет, интерактив телевидение (IPTV) ва бошқа тезкор хизматлар тақдим этилмоқда. Бинобарин, шаҳар аҳли шу жойнинг ўзида ахборот-коммуникация тўловларини ҳам тез ва осон амалга ошириш имконига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда бундай савдо уйлари вилоятнинг 12 та туман ва шаҳрида фаолият олиб бормоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Статистика соҳасидаги ислоҳотлар

## ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан келиб чиқиб, 65 та давлат статистика ҳисоботлари шакли қисқартирилган бўлса, 23 тасининг тақдим этиш даврийлиги узайтирилди. Булар кичик бизнес субъектлари учун кўплаб қулайликларни яратаяпти, албатта. Айтайлик, илгари микрофирмалар бир йилда 4 марта ҳисобот топширган бўлса, эндиликда 1 мартага туширилди. Фермер хўжаликлари эса 5 марта ўрнига 3 марта ҳисобот тақдим этиши кифоя. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида соҳага яна бир қатор янгиликлар татбиқ қилинаяпти.

Статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига ўтиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Бундай кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали жўнатиш тизимининг асосини eStat 2.0 дастурий таъминоти ташкил этади. Яъни ҳозирги кунда 13 та ойлик, 35 та чораклик ва 93 та йиллик, жами 141 давлат статистика ҳисобот шакли куннинг хоҳлаган вақтида хўжалик субъектлари томонидан электрон тарзда тақдим этилиши учун имкониятлар яратилган.

Айтиш жоизки, ушбу тизим ҳисобот топширувчилар учун ҳам, ҳисобот қабул қилувчилар учун ҳам бирдек қулайликка эга. Масалан, ҳисобот топширувчилар ўз иш жойларида ҳисоботларни электрон усулда тўлдириб, уларни интернет орқали статистика органларига юборадилар. Натижада мижозлар вақт сарфлаб, статистика органларига шахсан ташриф буюришларига ҳожат қолмайди.

Тизимнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳисобот топширувчи ҳисобот шаклини тўғри тўлдирмагунча юбориш имкониятига эга бўлмайди. Чунки тизим арифметик ва мантиқий назорат қилиш функциясига эга бўлиб, бу эса ҳисобот топширувчиларга ҳисоботларни хатосиз тўлдириш имкониятини беради. ЭРИ билан тасдиқланган ҳисобот шифрланган ҳолда, интернетдан юборилади ва бу маълумот узатиш хавфсизлигини тўлиқ таъминлайди. eStat 2.0 автоматлаштирилган ахборот тизимининг шу каби афзалликлари яқинда бўлиб ўтган "Best Soft Uzbekistan — 2013" дастурчилар форумида юксак эътироф этилиб, "Давлат органининг энг яхши лойиҳаси" номинациясида биринчи ўринга лойиқ кўрилгани қувонарлидир.

Тизим фаолиятида eStat 2.0 сингари ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулларини кенг қўллаш ва улардан оқилона фойдаланиш, айтиш мумкинки, бевосита ходимларнинг малакаси ҳамда билимига ҳам боғлиқ. Шу боис Давлат статистика қўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида мутахассис ходимларнинг билим ҳамда кўникмаларини бойитиб, уларнинг профессионал малакаларини оширишда шу жиҳатларга эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Гап шундаки, 2013 йилда тизим ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг долзарб бўлган янги мавзулари қўмита буюртмаси асосида танланиб, шу асосда махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга юқоридаги фармонларда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, янги ўқув курслари киритилгани, 10 та статистикага оид ва 5 та ахборот-коммуникация технологияларига доир ўқув курсларининг ўқув-тематик режалари ҳамда намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур ўқув курсларида Давлат статистика қўмитаси аппарати, ҳудудий статистика бошқармалари, шаҳар ҳамда туман статистика бўлимларининг барча поғонадаги ходимлари ўзларининг билим савияси ва кўникмасини оширади.

Умуман, ўтган йили жами 6335 нафар тингловчи статистиканинг умумий-назарий ва тармоқлар йўналишлари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига оид курсларида ўқиб, малакаларини оширди. Уларнинг 73,8 фоизи шартномавий асосда ўқув курсларини битирган иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган мутахассислар ва жисмоний шахслардир.

Таъкидлаш керакки, марказимизда бир неча йилдан буён соҳа ходимлари АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ҳам ўқитилиб, малакалари ошириб келинаяпти. Натижада мазкур йўналишда 2012 йил ўқув дастурига киритилган ва қўшимча ташкил этилган жами 6 та мавзудаги ўқув курсида қамраб олинганлар сони тизим бўйича 782 кишини ташкил этди. Улар АКТ бўйича базавий билимларини ривожлантириш билан бирга, электрон ҳужжат айланиши, давлат статистик ҳисоботларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда қабул қилиш ва жамлашни, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тизим администратори ва локал ҳисоблаш тармоқларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги билимларни ўзлаштириб олдилар.

Жорий йилда тизим ходимларининг 1657 нафари малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларида таҳсил оладилар. Айни пайтда ўқув курсларида олиб бориладиган маърузаларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида электрон ўқув дарслари ҳамда мультимедия таълими кенг қўлланилмоқда. Бундай дарслар жойларда ўтказилаётган сайёр ўқув курсларида ҳам қўлланилаяпти. Шунингдек, ўқув жараёнларига Давлат статистика қўмитаси ҳамда иқтисодиёт турли тармоқларининг амалий тажрибага эга, юқори малакали мутахассислари жалб қилинаётгани кутилган самарани бераётир. Чунки қуйи тизимда меҳнат қилаётган мутахассисларга статистик ҳисобот шаклларида бўлаётган ўзгаришлар, метод ва методикаларнинг тезкор етказилиши, йўл қўйилаётган хато ҳамда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши иш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Малака ошириш бўйича таълим муассасаси ҳисобланган марказимизда статистика соҳасида тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Масалан, ўтган йили 5 та мавзуда статистика тадқиқотлари қилинди. Ҳозирги пайтда уларнинг натижалари тизимнинг тегишли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, Давлат грантлари танловларида иштирок этиб, 2012 йилда статистика соҳасида битта фундаментал, битта амалий мавзуда тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳуқуқи қўлга киритилди. 2013 йилда инновация йўналишида ҳам Давлат гранти қўлга киритилди. Мазкур лойиҳалар устида илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Мухтасар айтганда, жамоамиз замонавий ахборот технологиялари ва статистик билимларга эга малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий жараён тўғрисидаги маълумотлар сифатини янада яхшилаш, халқаро стандартларга мос статистик хизматлар кўрсатиш, пировардида соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

**Баҳодир ҒАЙИБНАЗАРОВ,**
**Давлат статистика қўмитаси Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 25 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1926,07 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3218,56 |
| 1 Дания кронаси | 367,49 |
| 1 БАА дирҳами | 569,89 |
| 1 АҚШ доллари | 2093,10 |
| 1 Миср фунти | 298,86 |
| 1 Исландия кронаси | 16,97 |
| 1 Канада доллари | 1994,38 |
| 1 Хитой юани | 341,06 |
| 1 Россия рубли | 63,92 |
| 1 Украина гривнаси | 261,87 |
| 1 Малайзия ринггити | 650,84 |
| 1 Польша злотийси | 630,26 |
| 1 СДР | 3170,27 |
| 1 Туркия лираси | 1080,31 |
| 1 Швейцария франки | 2232,88 |
| 1 евро | 2787,43 |
| 10 Жанубий Корея вони | 18,07 |
| 10 Япония иенаси | 212,35 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Ҳиндистон шимолида кузатилаётган ёғингарчилик етти мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди.***

## Тошқин талафот келтирди



Айни пайтда сув тошган ҳудудлардан 34 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Аммо яна 50 минг одам табиий офат кузатилаётган штатларда қолиб кетган. Қурбонлар сони яна ошиши мумкин.

Қидирув-қутқарув ишларига минглаб ҳарбийлар жалб этилди. Ҳукумат табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар оиласига 200 минг рупий (3400 АҚШ доллари), жабрланганларга эса 50 минг рупий (850 АҚШ доллари) миқдорида товон тўланишини маълум қилди.

## Мустаҳкам хотира гарови

***Инсондаги табиий тишлар йўқолиши унинг хотираси ёмонлашувига сабаб бўлар экан.***

Швециялик ва норвегиялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари якунида шундай хулосага келинди.

Мазкур тадқиқотга 55 — 80 ёшлар оралиғидаги 273 киши жалб этилди. Тиббий текширувлар якунида маълум бўлишича, ҳар бир табиий тиш инсон хотирасидаги ахборотни сақлаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

## Носозлик оқибати

***АҚШнинг Хьюстон (Техас штати) ва Денвер (Колорадо штати) шаҳарлари бўйлаб ҳаракатланаётган “Boeing 787 Dreamliner” русумидаги самолёт техник носозлик туфайли фавқулодда қўндирилди.***



Маълум бўлишича, мазкур лайнернинг тормоз тизими ишдан чиққан. Самолётни қўндириш чоғида ҳеч кимга зиён етмаган.

Бу ўтган ҳафтанинг ўзида мазкур русумдаги самолётнинг учинчи фалокатидир.

## Автобус ҳалокати

***Черногорияда сайёҳларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради.***

Бахтсиз ҳодиса оқибатида 16 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган, 33 киши эса тан жароҳати олган.

Ҳалокатнинг асл сабаби маълум эмас. Ҳозирча ҳайдовчи ноқулай об-ҳаво шароити туфайли бошқарувни йўқотган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

## Хиёбонда яна бир юлдуз

***Ҳолливуддаги “Фахрлилар хиёбони”га таниқли хонанда ва актриса Женнифер Лопес номи туширилган юлдуз ўрнатилди.***




Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда хонанданинг ўзи ва бир қанча яқин дўстлари иштирок этди.

Шу тариқа хиёбонга ўрнатилган юлдузлар сони 2500 тага етди.

“Фахрлилар хиёбони”га 1958 йилда асос солинган бўлиб, унда кино, телевидение, радио, мусиқа ва театр ривожига ҳисса қўшган машҳур шахсларнинг исми шарифи туширилган юлдуз ўрнатилади.

## Қимматбаҳо асар

***“Sotheby‘s” кимошди савдосида рассом Клод Моненинг “Палаццо Контарини” деб номланган асари 19,7 миллион фунт стерлингга сотилди.***




“Рейтер” хабарига кўра, мазкур картинани исмини ошкор этмаган харидор телефон орқали харид қилган. Умуман, кимошди савдосида жами олтмишга яқин асар 105 миллион фунт стерлингга сотилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

■ БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

*Мусобақа “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

# КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ

**Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича анъанавий “Кичкинтой” халқаро болалар мусобақаси бўлиб ўтди.**



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортни оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда спортнинг қизларга хос нафис тури — бадиий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бундан ўн йил олдин бадиий гимнастика билан 1600 нафар қиз шуғулланган бўлса, ҳозирда уларнинг сафи 35 минг нафардан ошди.

“Кичкинтой” халқаро болалар мусобақаси бадиий гимнастикани янада оммалаштириш, қизларни болалигидан спортга ошно этиш мақсадида ташкил қилинди. Унда 350 нафардан зиёд гимнастикачи қиз яккалик, жуфтлик, трио, квартет ва гуруҳ баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этди. Мусобақада иштирокчиларга гимнастика анжомлари, мусиқа ва либос танлашда эркинлик берилгани боис композиция ва дастурлар ғоят ранг-баранг бўлди. Ёш гимнастикачилар ўзлари севган эртак ва мультфильмлар қаҳрамонлари тимсолларини гимнастиканинг жозибадор ва мураккаб элементлари орқали ифода этди.

Яккаликлар баҳсида пойтахтлик Зулфия Исроилова, Аделина Омарова, Ойша Бобоматова, Валерия Шумилина, Тошкент вилоятидан Моҳина Абдухалилова, бухоролик Мадина Ширинова, навоийлик Меҳрибону Шоназарова, сирдарёлик Гулсанам Мусурмонқулова, самарқандлик Динора Сатторова, қашқадарёлик Севинч Чориева сингари иқтидорли гимнастикачилар ғолиб бўлди.

Гимнастикачи қизлар ижро этган йигирмадан зиёд композиция, айниқса, пойтахтлик қизларнинг “Қувноқ оркестр”, “Поппури”, бекободликларнинг “Цирк, цирк, цирк”, қаршиликларнинг “Қўғирчоқ”, бухороликларнинг “Тўрт гўзал”, карманаликларнинг “Жўжалар”, навоийликларнинг “Чойхона”, нукусликларнинг “Нафосат” сингари дастурлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудида қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилгани “Кичкинтой” каби мусобақалар савиясининг янада ошишига, қизлар ўртасида бадиий гимнастикани оммалаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди мусобақа бош ҳаками Екатерина Сафронова. — Мазкур халқаро мусобақа кўплаб истеъдодли қизларни кашф этгани келгуси мусобақаларда мамлакатимиз терма жамоаси сафини салоҳиятли гимнастикачи қизлар билан кенгайтириш имконини беради.

Гимнастика байрами иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**
**қуйидаги бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади.**

**КАФЕДРА МУДИРЛАРИ**
Телевидение ва радиоэшиттириш, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти, Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари, Чет тиллари, Почта хизматини автоматлаштириш, Иқтисод, Менежмент ва маркетинг, Ахборот технологиялари, Мультимедиа технологиялари, Алоқа линиялари, Компьютер графикаси ва дизайн, Ўзбек ва рус тиллари.

**ДОЦЕНТЛАР**
Менежмент ва маркетинг — 1, Иқтисод — 1, Почта хизматини автоматлаштириш — 1, Ахборот технологиялари — 1, Компьютер тизимлари — 1, Электрон тижорат — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 2, Информатика — 1, Мультимедиа технологиялари — 1, Техник таълим педагогикаси — 1, Чет тиллари — 1, Олий математика — 2, Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари — 1, Компьютер графикаси ва дизайн — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Физика — 1.

**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР**
Менежмент ва маркетинг — 1, Иқтисод назарияси — 1, Фалсафа — 1, Ахборот технологиялари — 2, Компьютер тизимлари — 1, Информатика — 2, Техник таълим педагогикаси — 2, Ахборот-кутубхона тизимлари — 1, Чет тиллари — 4, Ўзбекистон тарихи — 1, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Телевидение ва радиоэшиттириш — 1, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари — 2, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1, Олий математика — 2, Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари — 2, Компьютер графикаси ва дизайн — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 2, Физика — 2.

**АССИСТЕНТЛАР**
Почта хизматини автоматлаштириш — 1, Иқтисод назарияси — 1, Фалсафа — 1, Ахборот технологиялари — 2, Компьютер тизимлари — 1, Ахборот хавфсизлиги — 2, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 2, Информатика — 2, Техник таълим педагогикаси — 1, Ахборот-кутубхона тизимлари — 2, Чет тиллари — 3, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Телевидение ва радиоэшиттириш — 1, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1, Электроника — 2, Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари — 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 2, Электр занжирлар назарияси — 1, Олий математика — 2, Телерадиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари — 2, Компьютер графикаси ва дизайн — 2, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Физика — 2.

**Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.**

**Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй. Телефон: (8-371) 238-64-06.**

1023А/415



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган, 3 та блокдан иборат, А блок — 2052 кв.м., Б блок — 291 кв.м., В блок — 100 кв.м. бўлган бизнес маркази такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 412 417 707,47 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 15 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1024А/1453



**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

11R/109


## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 15 ИЮНДАН 21 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 13 июндаги 59-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-1 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

2. «2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 10 июндаги 2-мб-сонли қарори.*

**2013 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2403-1 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

3. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 58, 12/7, 27-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1790-1 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

4. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 10 июндаги 57, 2013-31-сонли қарори.*

**2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-2 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

5. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқлари операторларининг ўзаро ташкилий-техникавий ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 29-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 378-1 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

6. «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 31-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1412-1 (2013 йил 24 июндан кучга кирди).**

***II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. «Суюлтирилган углеводородли газ тўлдириш станцияларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

***Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.***

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**


**Ўзбекистон Республикаси**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби**

***кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади.***

1. **«Санъат тарихи ва назарияси» кафедраси:**
   - катта ўқитувчи — 1 ўрин;
   - ўқитувчи — 1 ўрин.
2. **«Хореография» кафедраси:**
   - ўқитувчи — 1 ўрин.
3. **«Ижтимоий гуманитар фанлар»:**
   - катта ўқитувчи — 1 ўрин.

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддат давомида қабул қилинади.*

**Олий мактаб манзили:**
**100031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 31-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 256-33-59, 256-36-91. Факс (8-371) 256-24-36**

***Ректорат.***

993R/511


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси масъул ходим Фарҳод Пардаевич Усановга волидаи муҳтарамаси

**Моҳирахон ая ФАТТАХОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Фарғона политехника институти ректори Ойбек Ҳамдамович Отақуловга падари бузруквори

**ҲАМДАМАЛИ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентлик бош директорининг ўринбосари Одил Ҳамроевга падари бузруквори

**Ҳамза ҲАМРОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## МУШОҲАДА

*Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, бугунги кунда қизлар, яъни бўлажак оналарни оила қуришга жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёрлаб бориш, пировардида соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.*

# ЭРТА НИКОҲ

## ёхуд бахтсизлик гирдоби

Айтиш жоизки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим жойларда ота-оналар хоҳиш-истаклари, ўйланмай қабул қилинган қарорлари туфайли қизларни эрта турмушга бериш ҳолатлари учраётгани кишини ташвишлантиради. Яқинда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрининг Наҳшаб маҳалласидаги хонадонлардан бирида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Эндигина 9-синфни тамомлаётган қизни қариндошига узатаётган ота-онанинг "сири" фош бўлиб, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракати билан тўй тўхтатилди.

— Бу, албатта, ҳар биримизни чуқур ўйга солди, — дейди "Наҳшаб" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаззам Кароматова. — Ўтган даврда маҳалламизда икки маротаба ана шундай ҳол кузатилиб, унга чек қўйилган эди. Очиғини айтиш керак, айрим ота-оналарнинг никоҳ, оила тўғрисидаги юзаки қарашлари натижасида ҳали ҳаётда муносиб ўринга эга бўлмаган, ҳам руҳан, ҳам жисмонан оила қуришга тайёр бўлмаган қизлар тақдири аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мактаб ва маҳалламизда тарғибот-ташвиқот ишларини изчил йўлга қўйдик. Ота-оналар ва ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ташкил этилиб, фарзандларининг таълим олишлари, ҳунар эгаллашлари зарурлиги, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий томонлари атрофлича тушунтирилмоқда. Ҳозир маҳаллада 6544 нафар аҳоли, шундан 3950 нафар хотин-қиз ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамиятидан хабардор қилинган.

> Чироқчи туманидаги "Ғаллакор" қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари томонидан вояга етмаган қизнинг унаштириш маросими тўхтатилди.

Туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси, бош имом хатиблар билан олиб борилган ишлар натижасида "Сувлуқ", "Чувуллоқ" фуқаролар йиғинларида шунга ўхшаш эрта никоҳларнинг олди олинди ва ушбу оилалар фарзандлари 12 йиллик мажбурий таълимга жалб этилди. Умуман, вилоят бўйича маҳалла маслаҳатчилари, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари, ИИБ вакиллари ва тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жами 45 нафар қизнинг эрта никоҳига чек қўйилди.

— Маҳалламизда қизларни барвақт турмушга беришнинг олдини олиш, уларнинг ўқиши ва касб-ҳунар эгаллашлари борасида зарур чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Чироқчи туманидаги "Ғаллакор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурилло Кенгбоев. — Натижада маҳаллада қизларни эрта никоҳлаш ҳолатлари вақтида аниқланиб, олди олинмоқда. Чунончи, бу йил мактабни битираётган 55 нафар битирувчи, шу жумладан, 35 нафар қизнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказилиб, йигит-қизлар касб-ҳунар таълимига тўлиқ жалб этилмоқда.

Қиз бола нозик гулга қиёсланади. Бу бежиз эмас. Шундай экан, унинг тақдирига лоқайд муносабатда бўлиш миллат келажагига эътиборсизлик билан баробардир. Шу боис юртимизда оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг қарор топтириш, репродуктив саломатликни асраш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Соғлом никоҳ учун турмуш қуришнинг энг қулай даври қизларда 20-22 ёш, йигитларда эса 23-25 ёшни ташкил этиши мақсадга мувофиқ, — дейди вилоят "Она ва бола" скрининг маркази шифокори Нодира Икромова. — Қизларни эрта турмушга бериш бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки бу даврда улар ҳали ўсмирлик даврини бошдан кечираётган, ўта таъсирчан, физиологик жиҳатдан тўлиқ ривожланмаган, жисмоний ва руҳий ҳолати барқарорлашмаган бўлади. Натижада фарзанд кўриш учун тайёр бўлмаган ёш организмда ҳомиладор бўлиш ҳолатлари кечикади ҳамда бу келгусида оиланинг ажраб кетишига олиб келиши мумкин. Ё аксинча, эрта фарзанд кўриш ёш она ва ундан туғилажак бола соғлиғига ҳам хавф туғдиради. Бунда ҳомила тушиши, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, экстрагенитал касалликларнинг авж олиши, гўдакнинг нимжон ривожланиши, эрта ва нисбатан кам вазнда туғилиш ҳолатлари кўпроқ учрайди.

— Психологик жиҳатдан олиб қаралганда, 17 ёшли қизларда кўпинча ҳали болаликка хос қарашлар сақланиб туради, — дейди Қарши давлат университетининг психология кафедраси доценти Мавлуда Файзиева. — Шу боис уларда оилавий муносабатлар ва жамиятдаги ҳодисаларга нисбатан эмоционал, романтик қарашлар кучлироқ, 18 ёшда эса бу жараён тўла шаклланиш босқичида бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан айтганда, эрта турмушга бериш қизларни нафақат жисмонан мажруҳ қилади, балки уларга руҳий жиҳатдан салбий таъсир ўтказади. Чунончи, ёшларда оилага, катта ёшдаги кишиларга ва умуман, маълум бир маънода уни қуршаб турган муҳитга нисбатан салбий муносабатни юзага келтиради. Айни чоғда мутахассислар томонидан ёшларни оилавий муносабатларга кўниктириш, уй-рўзғор юмушларига ўргатиш ва уларнинг бу ҳақдаги тушунчаларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, оила мустаҳкамлиги, аввало, ота-онанинг масъулиятига, уларнинг фарзанд тарбияси ва хонадонда соғлом муҳитни шакллантириш билан боғлиқ қарашларининг якдиллигига бевосита боғлиқ.

— Кузатувларимиз асосида айтадиган бўлсак, жисмоний ва маънавий-руҳий, тиббий камолга етмаган қизларни эрта турмушга бериш айрим оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — 2012 йилда 149 та ариза бўйича оилаларда ажралиш кузатилган бўлса, шуларнинг 138 нафари ёш оилаларни ташкил этади. Оилалар бузилишига, аввало, қайнона-келин ўртасидаги муносабатларнинг қийин кечиши, ёш ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги бурч ва масъулиятини унутиб қўйиши, оила қуришга тайёр бўлмаган қизларни шошмашошарлик билан эрта турмушга узатиш ҳолатлари асосий сабаб бўлмоқда.

Буларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари аъзолари шу масалалар юзасидан кенг кўламли тарғибот-ташвиқот, чунончи, маънан ва жисмонан етуклик даврида оила барпо этишнинг афзалликлари, эрта турмуш қуриш эса аксинча, оила келажагига салбий таъсир этиши хусусида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Мухтасар айтганда, эрта никоҳнинг олдини олиш ва қизларни касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этишни таъминлаш мақсадида вилоят, туман ҳокимликлари хотин-қизлар қўмиталари ҳузурида, шунингдек, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқ-тартибот органлари иштирокида алоҳида комиссиялар тузилган бўлиб, ушбу соҳадаги тарғибот ишлари кучайтирилмоқда. Таълим муассасаларида ўтказилаётган ўқув-семинарлар, учрашув ва суҳбатларда ФҲДЁ бўлимлари мудиралари, тиббиёт ходимлари, диний идоралар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан ёшларга мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатларининг қонуний асослари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, оиладаги соғлом турмуш тарзи ҳақида кенг билим ва тушунчалар берилмоқда. Албатта, ушбу саъй-ҳаракатлар ёшлар орасида эрта никоҳнинг олдини олиш ҳамда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



***Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган "Сени куйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрларининг 2-республика танлови бошланди.***

### Саҳнада — сара асарлар

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган ушбу ижодий кўрик орқали истиқлол, миллий қадриятларимиз ҳамда юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини тараннум этувчи энг яхши саҳна асарларини аниқлаш ва муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган.



Беш кун давом этадиган танлов жараёнида юртимиз театр ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган 15 та спектакль нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳамда томошабинлар томонидан баҳолаб борилади. Шунингдек, тадбир доирасида "Саҳнада замондош образи" мавзуида илмий-амалий анжуман ва ғолиб ҳамда совриндорларни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

**Сайёра ҚОДИРОВА.**

***Жорий йилнинг 22 — 27 октябрь кунлари Ўзбекистон Бадиий академияси "Фонд Форум" ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахтимизда "Турли маданият — ягона дунё" мавзуида VII Тошкент Халқаро замонавий санъат Биенналеси бўлиб ўтади.***

### Биенналега қизғин тараддуд

Тадбирнинг асосий мақсади — дунё мамлакатлари рассомларини бирлаштириш, замонавий санъатнинг турли йўналишлари ва услубларини намойиш этиш ҳамда унда янги номларни кашф этиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тасвирий санъат борасидаги муваффақиятларини кузатиш, инсонпарварлик ғояларини тараннум этишдан иборат.

Биенналега қатнашиш учун аризалар 2013 йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

**Саодат УСМОНОВА.**

# Спорт

## «Олтин водий» совриндорлари

*Наманагандаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида шарқона яккакурашнинг шотокан каратэ-до тури бўйича "Олтин водий" биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Фарғона водийси вилоятлари ёш спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.*

Иқтидорли спортчиларни саралаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган биринчилик баҳсларида 250 нафарга яқин болалар ва ўсмирлар 35 килограмм вазн тоифасида майдонга тушдилар. Мусобақалар якунига кўра, наманганликлар умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди.

Биринчилик совриндорлари жорий йил ноябрь ойида пойтахтимизда ташкил этиладиган Ўзбекистон кубоги беллашувларида иштирок этадилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шу кунларда Туркия мамлакати мезбонлик қилаётган ёшлар ўртасидаги (FIFA U-20 World Cup) жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичида биринчи тур учрашувлари якунланди.*

## Ёшларимизнинг дастлабки ғалабаси

Ушбу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи турда Янги Зеландия жамоасига қарши баҳс олиб бориб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Таъкидлаш жоизки, бу ёш футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатларида қўлга киритган илк муваффақияти ҳисобланади. Чунки бунгача вакилларимиз 2003 ва 2009 йилларда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида ҳам иштирок этиб, ўша мусобақаларда фақат битта дуранг натижа қайд этишганди. Қолган бешта баҳсда эса рақибларга имконият бой берилган.

Аслида ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишнинг ўзи катта бир муваффақият. Нега деганда, Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФА томонидан ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига Осиё қитъасига тўртта йўлланма ажратилган. Унга эгалик қилиш учун эса элликта терма жамоа кураш олиб боради. Ана шундай мураккаб саралаш баҳсларида кераклии натижага эришган юртлар терма жамоалари мундиалда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳисоб бўйича ўн тўққизинчи бор ўтказилаётган бу галги чемпионатда Ўзбекистон, Австралия, Жанубий Корея ва Ироқ ёшлар терма жамоалари ана шундай имкониятга эга бўлди...

Нуфузли мусобақани ғалаба билан бошлаш эса Ўзбекистон ва Жанубий Корея ёшлар терма жамоасига насиб этди. Бурса шаҳридаги "Отатурк" стадионида ташкил этилган учрашувни ўзбекистонлик ёш футболчилар анча фаол бошлашди. Бу учрашувнинг ўн тўртинчи дақиқасига келиб ўз самарасини берди. Ўша куни ягона ҳужумчи сифатида майдонга тушган Игорь Сергеевнинг фаоллиги туфайли Аббосбек Махситалиев ҳисобни очди. Тезкор киритилган голдан сўнг ҳам вакилларимиз майдондаги устунликни рақибга бериб қўйишмади. Аммо биринчи бўлимда футболчиларимизга рақиб дарвозасини бошқа ишғол қилиш насиб этмади.

Иккинчи бўлимда эса ҳамюртларимиз яна иккита гол киритишди. Дастлаб Игорь Сергеев, кейин эса Диёржон Туропов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни 3:0 кўринишига олиб келди. Шу тариқа терма жамоамиз мазкур жаҳон чемпионатини ғалаба билан бошлаган тўққизта жамоадан бири бўлди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жой олган "F" гуруҳидаги иккинчи учрашувда хорватиялик ёш футболчилар уругвайлик тенгдошларини кичик ҳисобда мағлубиятга учратдилар — 1:0.

**Қолган гуруҳлардаги баҳсларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди.**

"А" гуруҳи: Франция — Гана 3:1, АҚШ — Испания 1:4.
"В" гуруҳи: Куба — Жанубий Корея 1:2, Нигерия — Португалия 2:3.
"С" гуруҳи: Колумбия — Австралия 1:1, Туркия — Сальвадор 3:0.
"D" гуруҳи: Мексика — Греция 1:2, Парагвай — Мали 1:1.
"Е" гуруҳи: Чили — Миср 2:1, Англия — Ироқ 2:2.

Футболчиларимиз иккинчи турда хорватиялик тенгдошларига қарши баҳс олиб борадилар. Учрашув 26 июнь куни бўлиб ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


М.В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2013/2014 ўқув йилига абитуриентлар қабули қуйидаги йўналишлар бўйича бошлаганлигини эълон қилади:

• амалий математика ва информатика; • психология.

Ҳужжатлар 2013 йил 20 июндан 10 июлга қадар қабул қилинади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 22-уй.
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-28-11, 232-28-22.
Қабул ҳайъатининг иш вақти — соат 9.00 дан 18.00 гача, дам олиш кунларисиз.

Қўшимча маълумот учун сайт: www.msu.uz

1017А/602



● Реклама ва эълонлар ●




«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5